Ушбу сонда:
2 «ПУЛ ЎЙИНИ»
3 ЧЎЛ АЁЛЛАРИ — *Очерк*
4 «ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» ЧОРЛАЙДИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 27 апрел, сешанба №49 (696)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ВАШИНГТОНДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

ВАШИНГТОН, 26 апрел./ЎзА махсус мухбири Фарҳод Арзиев хабар қилади/. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов НАТОнинг 50 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда қатнашиш учун АҚШга сафар қилаётиб, 23 апрел куни Амстердам шаҳрида тўхтаб ўтди. Бу ерда мамлакатимиз раҳбари Европа Иттифоқи Комиссияси комиссари Ханс Ван ден Брук билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримовнинг АҚШга ташрифи Вашингтонда «Умид» жамғармаси йўналиши бўйича Америка олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талаба ёшлар билан учрашувдан бошланди. Учрашув 24 апрел куни мамлакатимизнинг АҚШ пойтахтидаги элчихонасида бўлиб ўтди.

Шу куни Ўзбекистон элчихонасида Президент Ислом Каримов Грузия, Украина, Озарбойжон ва Молдова давлат раҳбарлари билан учрашди. Маълумки, мазкур тўрт давлат минтақа доирасида транспорт коммуникацияси, савдо-сотиқ ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида иқтисодий ҳамкорлик ташкилотини /ГУАМ/ тузишган. Вашингтонга ушбу ташкилот аъзолари сони яна биттага ортди - унинг таркибига Ўзбекистон ҳам қўшилди. Бу минтақавий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Вашингтондаги мулоқотида томонлар Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлагини ривожлантириш борасида ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олдилар. Бу Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш ғоясини амалга оширишда муҳим омил бўлиши шубҳасиздир.

Вашингтонга сафар чоғида Ислом Каримов АҚШ «Эксимбанки» президенти Ж.Ҳермон билан учрашди. Мулоқотнинг бош мавзуи Ўзбекистоннинг бу йирик молиявий муассаса билан ҳамкорлиги масаласи бўлди.

Ўзбекистон Президенти Ўрта Осиё ва Кавказ мамлакатлари давлат раҳбарларининг АҚШ сенаторлари гуруҳи билан учрашувида ҳам иштирок этди. Маълумки, АҚШ Сенатида Буюк Ипак йўли бўйича қонун қабул қилиниши кутилмоқда. АҚШ сенаторлари билан учрашувда давлатимиз раҳбари бундай саъй-ҳаракатни қўллаб-қувватлаяжагини айтиб, фикр билдирди.

25 апрел куни Президент Ислом Каримов Вашингтоннинг қоқ марказида жойлашган «Рейган билдинг» саройида НАТОнинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган саммитнинг ялпи мажлисида иштирок этди ва сўзга чиқди. Вашингтонга НАТОга аъзо 19 давлат ҳамда унга қўшилмаган, лекин алянс билан изчил ҳамкорлик қилаётган 23 мамлакат вакиллари ташриф буюрган. Ялпи мажлисда келаси асрда НАТОни ривожлантиришнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқиш масаласи кўриб чиқилди. Айтиш мумкинки, Шимолий Атлантика ҳарбий блоки XXI асрда хавфсизликнинг энг ишончли омилларидан бири бўлишга интилмоқда. Саммитда ташкилот сафини кенгайтириш ва ҳамкорлар билан алоқаларни янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани ҳам шундан далолат беради.

Шу куни давлатимиз раҳбари Жаҳон банки гуруҳи президенти Ж.Вулфенсон билан ҳам учрашди. Учрашувда томонлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, бу борада мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ташрифнинг 25 апрел куни дастуридан жой олган яна бир муҳим воқеа - Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт ўртасида бўлиб ўтган учрашувдир. Ўзаро мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи, икки томонлама сиёсий-иқтисодий муносабатларни янги поғонага кўтариш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Шу куни кечқурун давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасида АҚШ Конгресси вакиллар палатасининг даромадлар ва харажатлар бўйича қўмитаси раиси Б.Арчерни қабул қилди.

Бугунги кун дастуридан ҳам иккита муҳим учрашув ўрин олган. Мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонасида Президент Ислом Каримов дастлаб Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директорининг ўринбосари Ш.Сугисакини қабул қилади. Президентимиз, шунингдек, АҚШ давлат котибининг Жанубий Осиё масалалари бўйича ёрдамчиси К.Индерфурс билан ҳам учрашади.

Шу ўринда айтиш керакки, Ўзбекистон раҳбари НАТОнинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган йирик халқаро тадбирда иштирок этиши билан бирга, уч кун давомида ўнга яқин учрашувлар ўтказгани ташрифнинг нечоғлик қизғин ва самарали кечганидан далолат беради. Бўлиб ўтган учрашувларнинг аҳамияти шундаки, улар Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари, шунингдек, Ўзбекистон билан турли нуфузли халқаро ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

(ЎзА)



ИНСОН ҚАДРИ

9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинишини халқимиз мамнуният билан қабул қилди. Худди шунингдек, бу хабардан баҳористонлик меҳнат фахрийси Нурмамат Рустамовнинг ҳам кўнгли қувончга тўлди. Бу тиниб-тинчимас инсон бутун ҳаётини зафарли меҳнат кучоғида кўрди. Нурмамат Рустамов дастлабки фаолиятини чўпонликдан бошлаган эди. Орадан йиллар ўтди. Нурмамат ака қизғин меҳнатда тобланди. Кўп ва хўп ўқиди, ҳамиша изланишда бўлди. Буларнинг самараси ўлароқ Нурмамат Рустамов хўжалик раҳбари даражасигача кўтарилди.

Ўз халқининг бахти ва келажаги учун қайғурди. Нурмамат аканинг бундай жонкуярлиги бесамар кетмади, бахт топди шараф топди.

Бугунги кунда табаррук 72 ёшни қаршилаган Нурмамат Рустамов нафақалик гаштини сурмоқда. Бу инсон ўн бир фарзанднинг падари бузруквори, 72 невара ва 9 чевараниг бобоси. Умр доши Роҳатой Эргашева билан бахтли умргузаронлик қилмоқда.

Суратда: - меҳнат фахрийси Н. Рустамов неваралари даврасида.

Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БЕЛЛАШУВЛАР ОЛДИНДА

Куни - кеча Бухоро вилояти касаба уюшмалари кенгашида шу йилнинг 28-30 апрель кунлари бўлиб ўтадиган аёллар спартакиадасини уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлашга бағишланган ташкилий қўмита йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари Шаҳодат Ихтиёрова бошқарди. Йиғилишда тармоқлар бўйича ўтказилган дастлабки саралаш мусобақаларининг якуни атрофлича муҳокама этилиб, якунловчи босқич беллашувларига пухта ҳозирлик кўриш зарурлиги таъкидланди. Мусобақа низомига кўра ҳал қилувчи беллашувларга жамоа вакиллари волейбол, енгил атлетика, стол тенниси, шашка, сузиш каби спорт турлари бўйича ўзаро куч синашадилар.

ҲАМШИРАЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИ

Қиргули туманида «Ҳамшира-99» танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб чиққан ҳамширалар мусобақалашди. Улар ҳамширанинг бурч ва вазифалари, масъулияти, ҳозиржавоблиги, назарий ва амалий билимдонлиги борасида ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Танлов якунига кўра вилоят уронлогия маркази ҳамшираси Элмира Мусаева ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Эндиликда у Жиззах шаҳрида бўлиб ўтадиган республика ҳамширалари кўрик-танловида қатнашади.

Р.КАМОЛОВ, ЎзА мухбири

9-Май Хотира ва Қадрлаш куни

Умрни оқар дарё дейдилар. Мана ҳаш-паш дегунча Тошбек ота ҳам 90 ёшга кирибди. У ўзининг узоқ ва сермазмун ҳаётида неча бор кувончли ва ташвишли воқеаларнинг гувоҳи бўлмади дейсиз. Худди кечагидек ёдида, 1937 йили у ҳарбий хизматга йўл олди. 1941 йилда эса II-жаҳон уруши бошланиб кетдию Тошбек ота ҳам жанг суронларида душман билан олишди. Неча бор ярадор бўлди.



ҚАЛБИМИЗДА МАНГУ ҚОЛГАН КУН

Шиддатли жанглар эса давом этарди. Жасур жангчи Тошбекнинг нияти душманни Берлингача қувиб бориш эди. Минг афсуски, 1943 йилнинг ёзида душман қўйган минага дуч келиб, оғир аҳволда ҳарбий госпиталга тушди. Гарчи шифокорлар унинг соғайиб кетиши учун бор имкониятни ишга солсалар-да, кутилган натижа бўлмади. Тошбек урушга яроқсиз деб топилиб, фронт ортига жўнатилди.

У қувончли ғалаба хабарини Ватанида - Бўка туманида кутиб олди. Бундай ўйлаб қараса «Кўқорол» давлат хўжалигида 36 йил тер тўкибди.

Тақдир тақозоси билан Тошбек ота 1984 йилда оиласи билан Зафаробод туманидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалигига кўчиб келади. У ерда ҳам отахон ҳалол меҳнат қилиб юртдошларининг ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлди.

6 нафар фарзанди, бири-биридан ширин қатор набираларига бош-қош, маслаҳатгўй. Табаррук отахондан ҳаётингизда энг бахтли кун қачон бўлган? деб сўрасангиз, у киши табассум билан шундай дейди:

- 90 йиллик умримнинг энг қувончли дамлари Ватаним Ўзбекистоннинг мустақилликка эришган кунидан бошланди, десам хато бўлмайди. Шунинг учун ҳам мен 1991 йилнинг 1 сентябрини ҳаётимдаги энг қувончли ва энг бахтли куним деб ҳисоблайман. Сиз буни баландпарвоз сўзлар деб ўйламанг тағин. Менинг бу сўзларим юрагимдан отилиб чиқаётган ҳароратли қалб изҳорларимдир. Айниқса, халқимизга чинакам оталик қилаётган юртбошимиз Ислом Каримовнинг 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни сифатида алоҳида нишонлашга фармойиш беришлари, ғанимат бўлиб қолган кексаларимизни қадрлаш зарурлиги тўғрисида кўнгилдаги гапларни айтганлари бизга яна бир бор қувонч ва руҳ бағишлади. Мана шу ҳам ҳаётимиздаги энг бахтли кунлардан бири бўлди.

Ҳа, Тошбек ота ҳақ гапни айтдилар. Ҳуррият ва Истиқлол куни, Юртбошимизнинг юқоридаги каби савобли ва хайрли ташаббуслари ҳар бир ватандошимиз учун энг қувончли кунлардан бири бўлиб қолаётгани сир эмас. Шунинг учун ҳам ота бугунги кунда ширкат раиси бўлиб ишлаётган Саидмуродга, «Турон» хўжалигида бош муҳандислик қилаётган Абдусаломга, бригада бошлиғи, механизаторлик каби касбларда фидойилик кўрсатаётган Даурбек, Жумабек каби 34 нафар набираларини мустақиллигимизни қадрлашга, уни фидокорона меҳнат билан мустаҳкамлашга илҳомлантирмоқда.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ, журналист.

Шарҳловчи минбари

ҚАТАҒОН АЙБДОРЛАРИ УСТИДАН СУД БОШЛАНДИ

1994 йилда Руандада ҳокимиятни эгаллаб олган хуту элати вакиллари мамлакатдаги бошқа халқлар, жумладан, тутсиларни қатағон қилиш сиёсатини ўтказди. Мазкур йил нафақат Руанда, балки бутун Африка қитъаси тарихидаги энг аянчли даврлардан бири бўлди. Хутулар амалга оширган оммавий қирғинлар натижасида қарийб 800 минг киши қурбон бўлди. Ҳокимият тутси элати вакиллари қўлига ўтгачгина, бундай жаҳолатга барҳам берилди.

Руандадаги қатағонлар жаҳон ҳамжамияти томонидан қаттиқ қораланди. Натижада бу оммавий қирғин ташкилотчилари ва ижрочиларини суд қилиш мақсадида Руанда бўйича халқаро ҳарбий трибунал ташкил этилди. Яқинда Швейцариянинг Лозанна шаҳрида тутсиларни қирғин қилишда қатнашган руандалик устидан суд жараёни бошланди. У қотилликда, қирғинни қўллаб-қувватлашда ва ҳарбий жиноятларда айбланмоқда. Айбдорни Швейцария ҳарбий трибунали суд қилаётир.

Швейцариялик қонун ҳимоячилари қатағон ташкилотчилари ва иштирокчиларини судлаш учун катта тайёргарлик кўрди. Жумладан, жиноятчиларнинг айбини тасдиқловчи далилларни қўлга киритиш мақсадида воқеа содир бўлган жойларга махсус гуруҳлар юборилди. Бу эса суднинг адолатли бўлишини таъминлаш учун яхшигина асос яратди.

Халқаро трибунал олдида жавоб бераётган шахснинг номи Н.Фюлжансадир. У этник можароларда хутулар мағлубиятга учрагач, Швейцарияга қочқин сифатида келган ва 1996 йилда қамоққа олинган эди. Н.Фюлжанса қатағон даврида Мушубати қишлоғи оқсоқоли эди. Хуту элатига мансуб бу собиқ оқсоқол ўз қишлоқдошларини қуроляроғ билан таъминлаб, тутси халқи вакилларини ўлдиришга даъват қилган. Бундан ташқари, қатағонни қўллаб-қувватламаган ўз элатдошларини ҳам аяб ўтирмаган. Кузатувчиларнинг фикрича, агар унинг айби тасдиқланадиган бўлса, собиқ оқсоқол умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилади.

Айни пайтда қатағонларда айбдор бўлган хуту етакчилари ва уларнинг тарафдорлари Конго Демократик Республикаси ва Уганданинг бепоён чангалзорларида яшириниб, асосан, талончилик билан шуғулланмоқда. Хусусан, бундан икки ойча муқаддам хуту жангарилари Уганданинг Бвинди миллий боғида хорижий сайёҳларни аввал ўғирлаб, сўнг ваҳшийларча ўлдирган эди. Улар ҳам куни келиб, жазога тортилиши аниқ. Чунки ҳозир бир томондан Уганда ва Руанда ҳарбийлари, иккинчи томондан КДР қўшинлари уларга қарши кескин кураш олиб боряпти.

Бугунги кунда Руандада ижрочи ҳокимият тепасида миллий бирлик ҳукумати турибди. Мамлакат Бош вазири вазифасини эса хутуларнинг Республика демократик ҳаракати партияси етакчиси Пьер-Селестэн Рвигема бажармоқда. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳукуматнинг негизини ташкил этадиган Руанда ватанпарварлик фронти вакилларининг асосий қисми тутсилардан иборат. Тутси ва хутулар ўртасидаги можаролар тугагандан буён мамлакатни бошқариб келаётган мазкур коалицион ҳукумат фаолияти элатларнинг ўзаро келишиб давлатни идора қилиши мумкинлигига ёрқин далил бўлиб келмоқда.

Яқинда Руанда Бош вазири П.Рвигема ўз партиясининг 1994 йилги қатағонларда иштирок этгани учун мамлакат халқидан кечирим сўради. Партиянинг хунрезликларга аралашиб қолиши ўша пайтдаги раҳбарларнинг айби эди. Бош вазир партиянинг собиқ раҳбариятини қаттиқ қоралади. Унинг узри мамлакат ҳукумати бугунги кунда элатлараро тотувлик сиёсатини амалга ошираётганидан дарак беради. Қолаверса, бу ҳол руандаликларнинг тинчлик ва барқарорликка низо билан асло эришиб бўлмаслигини англаётганини билдиради.

Анвар КАРИМОВ, ЎзА шарҳловчиси.

ПОЛВОНЛАР НИЯТИ УЛУҒ

Мустақил диёримизнинг «Жар» соғломлаштириш мажмуида 1-2 май кунлари кураш бўйича I- Жаҳон чемпионати ўтказилади. Ўзбек халқи азалдан полвонлари билан донг таратиб келган. Шундай экан, бу чемпионатда ҳам юртимиз полвонлари шу она - замин номини, байроғини дунёга таниташ мақсадида гиламга чиқадилар.

Бугунги кунда «Жар» дунё нигоҳида. Ўтган йили кураш бўйича халқаро турнир ҳам зўр муваффақият билан ўтганди. Бу галги оламшумул баҳсда эса шу кунга қадар 52 та мамлакат полвонлари қатнашиш истагини билдирганлар.

Миллий терма жамоамиз мусобақаларга шайми? Тайёргарлик қандай кечаётир? Суҳбатни Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси Эргаш Худоёров бошлаб берди.

- Полвонларимиз 15 апрелдан буён чемпионатга ҳозирлик кўришмоқда. Жамоамиздагиларнинг 80 фоизи самбо ва дзюдо бўйича Осиё, Ўзбекистон, Жаҳон чемпионлари совриндорлари. Асосан бизнинг миллий курашимизга яқин бўлганлар - булар белдан юқорида усул бажариладиган, тик туриб курашадиганлардир. Ўзингизга маълумки, чемпионатда қатнашиш учун кўплаб давлатдан полвонлар ташриф буюришмоқда. Бу дегани жанг жуда жиддий бўлади. Айниқса, Россия жамоаси кучли таркибга эга. Лекин бошқа давлат полвонларининг ичида кураги ерга тегмаганлари ҳам кўп.

Энди бевосита ўз тайёргарлигимизга келсак, асосий машғулотларни ўтказиб бўлдик. Полвонларимиз залда эмас, гиламда ўзларини енгил ва тетик ҳис қилишлари учун очиқ ҳавода машғулотлар ўтказаяпмиз.

Кураш миллий Федерацияси бош котиби Алишер Эшонхўжаевни суҳбатга тортдик.

-Терма жамоамизнинг аниқ таркиби 26 апрель куни аниқ бўлади. Жамоамиз вакилларидан Атланта олимпиадаси совриндори Армен Багдасаров, маҳоратли йигитларимиздан Акобир Қурбонов, Тоштемир Муҳаммадиев, Баҳром Авазов, Шуҳрат Хўжаевлар яхши натижаларни қўлга киритишига ишонаман.

«Жар» кураш тўгараги ҳамда Ўзбекистон терма жамоаси мураббийси Холдор Иргашев:

-Бу йилги чемпионатдан умидимиз катта. Машғулотлар аъло даражада ўтказилмоқда. Шуғулланиш жараёни бир кунга 6-7 соатни ташкил этаяпти. Биз нафақат терма жамоага чақирилган полвонлар билан, балки «Жар» кураш тўгараги вакилларига ҳам умид боғлаяпмиз. Чунки улар ҳам чемпионатда қатнашиб қолиш эҳтимоли бор. Ишончим комилки, Ўзбекистон байроғи чемпионатда бир неча бор юқорига кўтарилади. Бунга шак-шубҳа йўқ.

Яна бир ҳолатга эътибор беринг:

Самбо бўйича 1-чи жаҳон чемпионатида 3 давлат, дзюдо бўйича 1-чи жаҳон чемпионатида эса 7 давлат иштирок этишган. Юртимизда бўлиб ўтадиган кураш бўйича 1 чи жаҳон чемпионатида эса 52 га яқин мамлакат кучли полвонларининг ташриф буюриши кутилмоқда. Бу нимани кўрсатади? Авваламбор диёримизни дунё танигани, ўзбекча қилиб айтадиган бўлсак ушбу миллий курашимизни ҳақиқатда «ҳалол» эканлигидан далолат беради.

Биз ёрқин юлдузларни ҳам суҳбатга чорладик.

Тоштемир Муҳаммадиев (ўта оғир вазнда)

Авваламбор энг яхши ниятлар ила юртимизда, халқимиз орасида спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратаётган ҳурматли ва азиз Президентимиз Ислом Каримовга ташаккур билдираман. Ушбу мусобақага жуда кўплаб мамлакатнинг полвонлари куч синашиш истагини билдирганлигининг ўзи бизнинг биринчи ғалабамиз, дейиш мумкин.

Армен БАГДАСАРОВ (Атланта олимпиадасининг совриндори)

Ўтган йили мана шу «Жар» спорт мажмуида бўлиб ўтган халқаро турнирни мен томошабин сифатида четдан кузатган эдим. Мана ушбу жаҳон чемпионатида иштирок этиш менга ҳам насиб қилган экан, бундан албатта хурсандман. Кези келганда айтишим лозимки, дунёнинг қайси бурчагидан ва қанчалик кучли полвонлар келмасин, бизнинг терма жамоа курашчиларини ҳеч нарса чўчита олмайди. Зеро, кучлиларга омад кулиб боқади.

Аслиддин БЎРИЕВ, Довур ТУРОН, «Ишонч» мухбирлари.



Касаба уюшмалари ва инсон ҳуқуқлари

Маълумки, касаба уюшмалари фаолияти кенг қамровли бўлиб, у меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот, муассасаларда меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлигини таъминлаш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш сингари бир катор энг муҳим вазифаларни ўз ичига олади. Бошқача қилиб айтганда касаба уюшмалари меҳнат аҳли, барча фуқаролар манфаати, ҳак-ҳуқуқининг энг яқин ҳимоячиси сифатида фаолият кўрсатишга сафарбар этилган. Шу ўринда ҳақли савол туғилади:

Хўш, бозор иқтисодиётининг ҳозирги мураккаб шароитида касаба уюшмалари ўз зиммаларидаги шу устувор вазифаларни давр талаблари даражасида ҳал қилишга эришяптиларми? Ишга тўғаноқ бўлаётган камчилик ва нуқсонлар ўз вақтида бартараф этиляптими?

Мени кўпроқ шу саволлар қийнайди. Тўғрисини айтиш керак, кейинги пайтда касаба уюшмалари фаолиятини яхшилаш юзасидан вилоятимизда муайян ишлар қилингани рост.

Жумладан, уларни сифат ва таркибий жиҳатдан яхшилаш, мустаҳкамлаш, янада жипслаштириш мақсадида аниқ амалий ишлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузасида алоҳида қайд қилинганидек: «Бугун аёллар ва ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш ўта муҳим масаладир». Биз ҳам ана шу кўрсатмадан келиб чиққан ҳолда ишни ташкил қилишга ҳаракат қилаётирмиз. Жумладан, тармоқ вилоят қўмита ва кенгашлари раисларидан 2 нафари, шаҳар, туман қўмиталари раисларидан 25, корхона ва ташкилотлар касаба уюшма қўмиталарининг раҳбарларидан 30 фоизи изланувчан, ташаббускор ёшлар билан алмаштирилди. Улар ўртача 35-40 ёшни ташкил этмоқда.

Вилоят ҳокимлиги, вилоят тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси ҳамда вилоят касаба уюшмалари кенгаши ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича тузиб келинаётган Битимларда ҳам меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари манфаати йўлида бажарилиши лозим бўлган ишлар ўз аксини топаяпти. Шу ўринда вилоят ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшмалари ўртасида тузиб келинаётган болаларнинг ёзги дам олиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишга оид қўшма қарорни олиб кўрайлик. Айтиш мумкинки, бу муҳим ҳужжат ёш авлодни соғлом, бақувват ва баркамол кишилар қилиб тарбиялашда, болаларнинг ўз таътилларини мазмунли ва мароқли ўтказишларида муҳим аҳамият касб этяпти. Жами 27590 нафар бола касаба уюшмалари тизимидаги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олган бўлса, уларнинг 22 фоизи эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандларидир. Табиийки, бундай оилаларнинг болалари касаба уюшмалари ҳисобидан бепул йўлланма билан таъминланди.

Ўрни келганда касаба уюшмалари тасарруфидаги санаторий-профилакторийлар хусусида ҳам сўз юритиш керак, деб ўйлайман. Ҳозирги пайтда вилоятда 8 та ана шундай шифо масканлари ишлаб турибди. Уларда бир пайтнинг ўзида 470 киши даволаниб, соғлиғини тиклаши мумкин. Ўтган йилда санаторий-профилакторийларда бўлиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлаган кишилар сони 6198 нафарни ташкил этди.

Айтмоқчиманки, кишиларимиз қанчалик соғлом бўлса, уларнинг ишлари ҳам шунчалик унумли бўлади. Шу нуқтаи-назардан ёндошилса, меҳнат аҳлига соғлом ва хавфсиз иш шароитларини яратиб бериш нечоғлик долзарб масала эканлиги аён бўлади. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Меҳнат Кодекси талабларига жойларда риоя қилинишини таъминлаш алоҳида диққат марказимизда турибди.

Масалан, ўтган йилда касаба уюшмалари техник нозирлари томонидан вилоят корхона, ташкилот ва муассасаларидаги меҳнат муҳофазасининг аҳволи 401 марта, шу жумладан, давлат назоратининг бошқа органлари билан ҳамкорликда 94 марта текширувдан ўтказилди. Текширувлар давомида 4122 та меҳнат муҳофазаси меъёрлари ва қоидалари бузилганлиги аниқланиб, раҳбарларга тегишли кўрсатмалар, тавсиялар берилди. Натижада амалдаги йилнинг 1 январига келиб 3132 та, яъни қоида бузилишларининг 76 фоизи бартараф этилишига эришилди. Ишлаб чиқаришда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиб берилганлиги учун 209 та техник жиҳатдан носоз, кишиларнинг жароҳатланишига олиб келиши мумкин бўлган асбоб-ускуна, шунингдек, 30 та цех, участкаларнинг иши тўхтатиб қўйилди. Ушбу масалаларга бефарқ қараганликлари учун 24 та раҳбар ва муҳандис-техник ходимлар ўз вазифаларидан бўшатилдилар. Масъул кишиларнинг 34 нафарига турли миқдорларда жарималар солинди. 50 нафардан ортиқ мутасаддилар эса маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Бухоро электр тармоқлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Т.Розиқов, шу бошқармага қарашли автокорхона бошлиғининг ўринбосари Х.Тиллаев, «Нигора» ҳиссадорлик жамияти цех бошлиғи Э.Шерматов ва бошқалар, жами 24 киши ишдан четлаштирилди.

Меҳнаткашларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича 2000-йилгача ишлаб чиқилган вилоят касаба уюшмалари кенгаши билан прокуратура органларининг биргаликдаги ҳаракат Дастурининг бажарилиши юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айнан шу мавзуда меҳнат муҳофазаси ва меҳнат қонунчилиги бўйича корхона ва ташкилотларнинг бош муҳандислари, мутасадди хизматлар, кадрлар бўлимлари, ҳуқуқшунос-маслаҳатчилари ва касаба уюшма қўмиталарининг раислари иштирокида 14 та семинар-кенгаш ўтказилди. Уларда жами 1500 дан зиёд киши иштирок этди.

Шунингдек, меҳнат техник нозирлари вақти-вақти билан болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, «Тез ёрдам» муассасалари, санаторий-профилакторийларда бўлиб, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги ҳолатини текширувдан ўтказиб, зарур йўл-йўриқ ва маслаҳатларни бермоқдалар. Бироқ ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишларга, ҳаттоки ўлим билан туғаган бахтсиз ҳодисаларга батамом чек қўйилганича йўқ. Биргина ўтган йилда ишлаб чиқаришда рўй берган 62 та бахтсиз ҳодиса натижасида 70 нафар киши шикастланди, шу жумладан 22 киши оғир жароҳат олди. 14 киши эса ҳаётдан бевақт кўз юмди. Келиб чиққан бахтсиз ҳодисаларнинг 4 таси турли пайтларда бир неча киши иштирокида рўй берди. Агросаноат мажмуи, ёқилғи-энергетика ва нефт-кимё саноати корхоналари ҳамда темир-йўл транспортида, қурилиш, матбуот кооперацияси, енгил саноат корхоналарида рўй берган бахтсиз ҳодисалар шулар жумласидандир. Бундан бахтсиз ҳодисаларнинг асосий айбдорлари қонун олдида жавоб бердилар, албатта.

Бизни ташвишлантириб турган муаммолардан яна бири нодавлат секторидаги барча ташкилотларда касаба уюшма ташкилотлари ҳанузгача тузилмаганлигидир. Ҳозирги пайтда вилоятимизда 10751 та хўжалик субъекти иш олиб бормоқда. Шундан 88,1 фоизини нодавлат шаклига эга корхоналар ташкил этади. Уларнинг 5997 таси хусусий корхоналардир. 46 та корхона эса хорижий сармоя ёрдамида фаолият кўрсатмоқда.

Қишлоқ хўжалигида 1780 та фермер хўжалиги бор. Хуллас, саноат маҳсулотининг 68,3, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 99,3 фоизи, қурилиш пудрат ишларининг 83,7 фоизи нодавлат секторига тўғри келади. Вилоятимиз иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг 72,2 фоизи ёки 332,5 минг киши нодавлат секторида меҳнат билан машғул. Очиғини айтиш керак: касаба уюшмалари бундай қишиларни ижтимоий ҳимоялашда кутилган самарага эришаётганлари йўқ. Жойларда касаба уюшма ташкилотлари умуман тузилмаган корхоналар мавжуд. Бу борада вилоят кичик, хусусий ва ўрта тадбиркорлар касаба уюшма кенгаши тегишли жонбозлик кўрсатмаяпти.

Маълумки, жамоа шартномалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этишда муҳим ўрин тутади. Бу йил ҳам ушбу йўналишда изчил иш олиб борилаяпти. Бу муҳим ҳужжатларда меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, меҳнат аҳлининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги масалаларини кенг ёритишга айниқса, катта эътибор берилаяпти.

Текширишлар ва тегишли ҳисоб-китоблар натижасида шу нарса маълум бўлдики, нодавлат секторида иш олиб бораётган касаба уюшма ташкилотларида тузиладиган жамоа шартномаларини айримлари номигагина тузилиб, меҳнаткашлар талабларига жавоб бермасди. Масалан, «Бақоев», «Эркинчилик», «Хўжаи жаҳон» кичик корхоналарида меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш нотўғри расмийлаштирилган, шартномада кўрсатилган имтиёзлар, ишда шарт-шароит яратиш талаб даражасида эмас.

Бу масалаларда семинарлар ўтказдик. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши раҳбарияти, масъул ходимлар ва фаолларни ташкилотларга бириктирдик, тегишли кўлланма ва тавсияномалар ишлаб чиқилиб тарқатилди. Натижаси ўз самарасини берди. Жорий йил учун тузилган жамоа шартномаларда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга алоҳида ўрин ажратилган, қўшимча талабларига риоя этилган.Сир эмаски, кейинги пайтда кўпгина иш берувчилар ишчи штатларини қонунга зид равишда қисқартириш ёки уларни ишдан бўшатишга, иш ҳақи сақланмаган ҳолда узоқ муддатли таътиллар бериш сингари нохуш ҳолларга йўл қўймоқдалар. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар натижасида жароҳатланган кишиларга етказилган зарарни тўлаш, шунингдек, индексация пулларини, бир марта тўланадиган нафақаларни беришдан бош тортмоқдалар. Масалан: «Оролсувқурилиш» бошқармасига қарашли 13-автокорхона, Вобкент туманидаги ҳунарбилим юрти, 18 автокорхона ва бошқалар. Уларга нисбатдан биз тегишли чоралар кўрдик. Натижаси ўз самарасини бермоқда - товонлар қисман тўланмоқда.

Бундан ташқари, касаба уюшмалари меҳнаткашларни, айниқса ёш авлодни халқимизнинг бой тарихи ва маданиятига чуқур ҳурмат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг кўрик-танловлари, турли кечалар ва давра суҳбатлари ўтказилаяпти. Спорт оммавийлигини таъминлаш мақсадида ҳар йили кўплаб спартакиадалар, қатор мусобақалар уюштирилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз томонидан 1999 йилнинг «Аёллар йили» деб эълон қилинганлиги йил давомида хотин-қизларни ижтимоий ва маънавий жиҳатдан ҳимоялаш ишларига янги омил бахш этди. Кенгашимиз «Аёллар йили»да амалга ошириладиган тадбирларни ишлаб чиқди. Бу тадбирларга асосан хотин-қизларни жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш кўзда тутилган. Уларнинг амалийлигини таъминлаш учун эса бор куч ва имкониятларни сафарбар этамиз.

Саида САЙФУЛЛАЕВА,
Бухоро вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси.

УСТУВОР ҲИМОЯ - КАТТА САМАРА ДЕМАК





Шу сонга хабарлар

БУЛУНҒУР БИРИНЧИ

Касаба уюшмалари «Пахтакор» кўнгилли спорт жамияти аёллар йили муносабати билан Каттақўрғон шаҳрида қишлоқ хотин-қизлари вилоят спартакиадасини ўтказди. Барча туманлардан 15 та команда қатнашди. Волейбол, стол тенниси, енгил атлетика «кўпкураш», шашка ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

Умумий команда ҳисобида

1-ўрин Булунғур,

2-ўрин Каттақўрғон,

3-ўрин эса Ургут туманларининг спортчиларига насиб этди.

Ғолибларга агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмитасининг совринлари ва бошқа мукофотлар топширилди.

ЯШИЛЛИК ОЛАМИГА БУРКАНАДИ

Ер ости сизот суви яқин, дов-дарахт парваришлаш анча мушкул кечадиган Мирзачўлни яшиллик оламига буркаш шу кунниг шиорига айланиб қолмоқда. Сирдарё воҳасида ана шу эзгу ишга жиддий киришилган. Яқинда Мирзаобод ва Меҳнатобод туманлари ҳудудларининг энг шўрхок, ташландиқ 633 гектарлик майдонида янги ўрмончилик хўжалиги ташкил этилди.

«Янгиер» деб аталмиш мазкур жамоа таваллудининг илк кунлариданоқ илпона қадам ташлади, деса бўлади. Айни чоқда 3-гектар ерда тераксор ва бир гектар майдонда беҳизор барпо этилди. Мазкур ҳудуддан ўтган катта Ўзбек тракти атрофида ихотали ва манзарали ўрмонзор барпо этилмоқда.

Н.ФАХРИДДИНОВ.

ГУЗАРДА САВДО ДЎКОНЛАРИ

Ўтган 1998 йилда Сурхондарё вилояти « Матлуботсавдо « ҳудудий ҳиссадорлик компанияси томонидан қишлоқ аҳолисига 5836, 8 млн. сўмлик савдо хизмати кўрсатилди. Бу 1997 йилга нисбатан 1,6 марта ёки 2216, 3 млн. сўм кўп демакдир. Натижада режа 186, 8 фоизга бажарилди.

Тизим ишлаб чиқариш корхоналарида 496 млн. сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Қурилиш соҳасида ҳам талай ўзгаришлар бўлди. Янги чакана савдо дўконлари, умумий овқатланиш корхоналари, савдо марказлари, гузарлар куриб, фойдаланишга топширилди.

Суратларда: «Жарқўрғон туманидаги Исмоил тепа» гузари.

Гузарда бозор, маиший хизмат дўконлари ҳам мавжуд.

Муҳаммад АМИН ва Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Имтиёзли йўлланма билан

КЎНГИЛ ГУЛДЕК НОЗИК

Қаерда бўлмайлик Аёллар йили муносабати билан қандай тадбирлар белгиланган ва қандай амалга оширилаяпти, деб савол бериш одат тусига кирди.

Тошкент тумани тиббий бирлашмасида бўлганимизда ҳам шундай бўлди.

— Аёллар йили муносабати билан алоҳида тадбирлар ишлаб чиқканмиз,-дейди туман тиббий бирлашмаси касаба уюшма қўмитасининг раиси Нуриддин Рихсибоев,- уларнинг ижросини таъминлаш учун бор имкониятимизни ишга соламиз.Ҳар бир шифохона,тиббий ташкилотда ишловчи ва узоқдан келувчи аёллар иш вақтини бир соатга қисқартиришга қарор қилдик.Аёллар йили тадбирларида тиббий ходимларнинг декрет таътилига бир ой олдин чиқариш юзасидан ишни ташкил этиш белгиланган эди. Бу борада ҳам ишлар қизғин кетаяпти. Ҳозирда ҳокимият билан биргаликда жамоа хўжаликлари,саноат корхоналари ва бошқа қатор ташкилотлар билан музокаралар олиб борилаяпти.

Умуман тиббиёт бирлашмасида бу йўналишда кўпгина ишлар қилинаётганининг гувоҳи бўлдик. Бу ерда меҳнаткашларни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш масалалари билан қизиқдик. Кейинги бир йилда етмишга яқин ходимга моддий ёрдам кўрсатилди. Уй жой масаласига алоҳида эътибор берилмоқда.

Кейинги бир йил ичида 50 ходимга якка тартибда уй қуриш учун ер ажратиб берилди.

Бирлашмада қонунчилик бўйича тиббиёт ходимларига берилган имтиёзларнинг тўла бажарилишини таъминлаш юзасидан изчиллик бўлаяпти. Тажрибали ва самарали ишлаб келаётган соғлиқни сақлаш ходимларига ҳар ойда маошларига ўн беш фоиз миқдорда қўшимча ҳақ тўланмоқда. Тузилган рўйхат юзасидан мутахассисларга транспорт пули бериляпти. Ойлик маошларининг ҳар доим ўз вақтида тўланишига эришилмоқда.

Касаба уюшма қўмитаси жамоа шартномасининг тўла бажарилишига алоҳида эътибор бериб, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш даражасининг юқори бўлишини таъминламоқда. Лекин ўтган йили меҳнат шароитида ишловчиларни сут ва махсус иш кийимлари билан таъминлашда етишмовчиликлар бўлди. Ўтган йили бу мақсадларга 360 минг сўм ажратилган эди. 1998 йилдаги камчиликлар ҳисобга олинди.

Касаба уюшма қўмитаси соғлиқни сақлаш ходимларини соғломлаштириш ва дам олишни ташкил этиш масалаларида етишмовчиликлар бўлди. Ўтган йили бу мақсадларга 360 минг сўм ажратилган эди. 1999 йил жамоа шартномасидан бу жамғарма 540 минг сўм қилиб белгиланди.

Ўтган йили 43 йўлланма тарқатилган эди. Шу йилнинг ўтган даврида касаба уюшма қўмитаси етти кишини «Ботаника», «Чимён», «Бўстон» санаторийларига юборди. 8 киши Самарқанд - Бухоро саёҳатидан мароқ билан қайтишди. Уч ходим эса «Кумушкон» ва «Сўқоқ» дам олиш масканларида дам олдилар. Булардан ташқари, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси орқали Тошкент минерал сувлари, Семашко номли сиҳатгоҳларга ҳам йўлланмалар олинди.

Б.ПЎЛАТОВ.

«Ишонч» бонг уради

ПУЛ ЎЙИНИ

ёки ғирромлик қилиб ўзгалар маблағини ўзиникига айлантирган учарлар хусусида

Биламизки, футбол, баскетбол, қўл тўпи каби спортнинг оммавий турлари мавжуд. Бироқ «пул тўпи»...

Дарвоқе, газетхонларни «Бу қанақа ўйин экан, қаерда бўлиб ўтибди?» деган саволлар қизиктириши табиий. Бўлмаса эшитинг.

Ўйин Янгийўл туманидаги «Мустақил Ўзбекистон 5 йиллиги» пахта тозалаш корхонаси билан Бўкадаги 122-автокорхона ўртасида, туман Давлат солиқ идораси ва молия бўлими «ҳомий»лигида бўлиб ўтмоқда.

Ўйин бўлгандан кейин албатта унинг ўзига яраша ва мос қонун-қоидалари бўлади. Буни ҳаммадан кўра мутахассислар яхши билишади ҳамда унинг моҳиятига холисона адолатли баҳо берадилар,деган умиддамиз.

Аслида ўйин шундай бошланганди:

Янгийўл туманидаги пахта тозалаш корхонаси Бўкадаги автокорхона билан ўзаро шартнома тузишади. Унга кўра автокорхона 1998 йилнинг I,II,III чораги давомида юкни белгиланган манзилга етказиб бериш мажбуриятини олган, пахта заводи эса кўрсатилган транспорт хизмати эвазига белгиланган тўловларни вақтида тўлаб боришлари шарт. Шартноманинг амал қилиш муддати 1998 йилнинг 1 январидан 31 декабригача эди. Бироқ пахта тозалаш корхонаси айрим сабабларга кўра хизмат ҳақини ўз вақтида тўлаб боришнинг иложини қилолмаган.

Автокорхонанинг иқтисодий аҳволи кун сайин оғирлашиб боради. Боз устига бюджет тўловлари борган сари ортиб кетаверди. Нима қилиш керак?

Автокорхона ташаббусни қўлга олди. Бўка туман солиқ идораси ёрдами билан пахта тозалаш корхонаси мажбурий тўловга тортилди. Яъни 1998 йил 18 августда ўзаро солиштирма далолатномага асосан 797-сонли инкасса топшириғи билан завод ҳисобидан 2,5 миллион сўмлик маблағ автокорхонанинг қўшимча қиймат солиғи ҳисобига ундириб олиниши кўзда тутилган. Бу ҳужумкорликни тушунса бўлади. Аммо... қарз устига яна автокорхона томонидан кўрсатилган хизмат эвазига орадан уч ой ўтиб иккала корхона ўртасидаги солиштирма далолатнома бўйича умумий қарз 3 млн. 300 минг сўмдан кўпроқни ташкил этган. Шу боис Бўка тумани Давлат Солиқ инспекцияси томонидан пахта тозалаш корхонаси 1998 йилнинг 29 октябрида иккинчи марта 578-а сонли инкасса топшириқномаси билан яна мажбурий тўловга тортилади. Ажабланарли жойи шундаки, биринчи топшириқнома ҳисобдан чиқарилмаган, иккинчи топшириқномада эса қўшимча ҳисобланган қарз миқдори умумий қарз миқдорига қўшиб юборилган. Натижада 31 декабр кунига келиб, иккала топшириқнома бўйича ҳам тўлов тўлиқ амалга оширилган ва пахта тозалаш корхонаси ҳисобидан 3 миллион 306 минг сўм ўрнига 5 миллион 800 минг сўмдан ортиқ пул мажбурий ундириб олинган.

Бундан хабар топган корхона, раҳбарияти қанчалик елиб-югурмасин бирор нарсага эришолмайди.

— Январ ойида бир неча бор ўзим Бўкага бориб келдим,- дейди, - корхона бош ҳисобчиси Т.Абдуллаева. Автокорхона мутасаддилари пулларинг бизда эмас, бюджетга ўтиб кетган, уни қайтаришнинг иложи йўқ. Фақат биздан техника олиб ишлатсанглар бўлади, дейишди. Аввалига рози бўлдик. Бироқ, зарур пайтда транспорт хизматидан фойдаланиш ўрнига Янгийўл билан Бўка ўртасида сарсон бўлганимиз қолди. Транспорт бермасанглар, пулимизни қайтаринглар десак, биздан эмас, солиқ идорасидан сўранглар қабилидаги жавобни олдик. 1999 йил 5 феврал куни солиштирма далолатнома туздик. Унга кўра автокорхона биздан салкам 2,5 млн қарздорлиги тасдиқланди. Лекин ҳалигача пулдан дарак йўқ. Машина сўрасак, ёнилғимиз йўқ дейишдан нарига ўтишмайди. Мажбур бўлиб мавсум пайти 2503-сонли автожамланмадан машина олиб ишлатдик...

Шу масала юзасидан яқинда Бўкада бўлиб, 122-автокорхона ҳиссадорлик жамиятининг раиси Бахтиёр Жўраев билан учрашдик. Бизга ҳамроҳлик қилган Янгийўл пахта тозалаш корхонасининг ҳуқуқшуноси Дилфуза Азимжонови бошлиқ совуққина қарши олди.

Суҳбатимиз давомида ҳуқуқшуноснинг «пулимизни қайтаришларингиз тўғрисида огоҳлантириш хати олиб келганман, шуни олиб қолиб, иккинчи нусхасига қўл қўйиб берсангиз», деган илтимосига автокорхона бошлиғи:

— Ҳеч қанақа хат-пат олмайман, — деган жавобни эшитдик.

— Нима учун?

— Биринчидан, - деди Б.Жўраев, - мени бу ерда бошлиқ сифатида иш бошлаганимга атиги бир кун бўлди, ҳали ҳиссадорлар йиғилишида тасдиқдан ўтмаганман. Имзо чекишга ҳаққим йўқ. Иккинчидан, бу пул бизнинг ихтиёримизда эмас... Тўғри, пахта заводидан 2,5 миллион сўмга яқин дебитор қарзимиз бор. Лекин бу пул инкасса топшириғи билан бюджетга ўтиб кетган. Бизнинг ҳеч қанақа ҳуқуқимиз йўқ. Солиқ идораси ўзи ундириб олган, ўзлари хўжайин. Мен бу ҳақда туманимиз ҳокимига ҳам бир неча бор айтганман. Туман ДСИ раҳбарига хат билан ҳам мурожаат қилганман, бироқ бефойда. Мана хат, лекин пулни ололмаяпмиз.

Қизиқ, бировнинг пули қандай қилиб бошқа ҳисоб рақамига ўтиб қолди. Нега уни қонуний эгасига қайтариш ўрнига ўз эҳтиёжи учун фойдаланишга зўр беришяпти. Ахир бу пулни қанчадан-қанча ишчи-хизматчилар сабрсизлик ила кутишяптику?!

Бизни бир нарса ажаблантирди. Янги раҳбар иш бошлаганига бир кун бўлганлигини айтсада, ўн бир кун аввал ДСИ бошлиғига шу пулни қайтаришини сўраб хат йўллаган. Буни қандай тушуниш мумкин?

— 1999 йил учун ўзаро шартномангиз борми? - сўрадик ундан. — Йўққу-я...

Шу масала юзасидан туман ДСИ бошлиғи вазифасини бажарувчи Илҳом Аскаровга мурожаат қилдик.

— Бундан мени хабарим йўқ, - деди у хотиржам. - Ҳозир шу иш билаш шуғулланувчи ходимни чақираман, сўраб биламиз.

— Тўғри, мен ўзим Янгийўлга бориб, пахта заводини инкассага қўйиб келганман, - деди ўзини Пардабой деб таништирган солиқ ходими.

— Нега 3 миллион 300 минг сўм ўрнига заводдан 5 миллион 800 минг олингани билан қизиқмадингиз?

— У ёғи билан ишимиз йўқ. Агар солиштирма далолатнома бўлса, бизни вазифамиз банкка бориб, расмийлаштириб келиш.

— Ана холос! Демак, битта корхонадан ундириш лозим бўлган қарзни бир неча марталаб ундириб олиб, сарсон-саргардон қилиш ҳам мумкин экан-да?!

— Мен сизга исботлаб беришим мумкин. Келинг, яхшиси эртага Янгийўлдаги пахта банкида учрашайлик ҳаммасини тушунтириб бераман, бугун кеч бўлди...

Лекин эртасига П.Норбоевни топишнинг иложи бўлмади. Яна Бўка туманига бордик.

Сўраб-суриштиришларимизда шу нарсани аниқладикки, инкасса топшириқномаларини қайд этиш дафтарида Янгийўл пахта заводининг биринчи марта мажбурий тўловга тортилгани ҳақида маълумот бор, у ҳам чала. Қачон қўйилган, қанча миқдордалиги номаълум. Иккинчи бор қўйилганини билиш амри маҳол. Тартиб рақамлар борида бор, йўғида-йўқ. Биз ахтарган ташкилот номи умуман қайд этилмаган. Тепа қисмида 5 та очиқ жойдан бирида «пахта завод» деган ёзув бор, холос. Аммо қаернинг пахта заводи - номаълум.

Аммо ўйин «ташаббускор»ининг елиб-югургани зое кетмабди. Бу ғалати ўйинга ҳакамлик қилаётган Солиқ идорасининг ҳотамтойлигини қарангки, ўртада сарсон пулни яна автокорхонага қайтаришни сўраб туман молия раҳбарига мурожаат қилган. Шу асосида молия бўлими автокорхонага 6 апрел куни 100 минг сўм ўтказган. Биз борган кун яна 100 минг сўмга тўлов топшириқномаси тайёр қилиб қўйилган экан.

Шу ўринда савол туғилади. Пул нега асл эгасипахта тозалаш заводига қайтарилмаётир?

«Қочган ҳам худо дейди,қувган ҳам».Кимдир асоссиз тортиб олинган пулини ололмасдан овора. Кимдир корхонасини оёққа турғазай деб, «чўкаётган одам хасга ҳам чўпга ҳам осилгани» каби бировнинг пулини ўзлаштиришга жон жахди билан ҳаракат қилаётир. Кимдир «худо берса эрта кечи йўқ» қабилида иш тутиб, «борига барака» дея ўйламай-нетмай бюджетга сарфлаб юбориб, «уни қайтариш жуда қийин» дея бош қашиб ўтирса...

Ажабо, бир ташкилотнинг салкам 2,5 миллион сўм пули қаергадир ўтиб кетиши шунчалар осонми?

Хўш, бу ғирром ўйин нега керак бўлди ва у қачонгача давом этади?

С.РУСТАМОВ,
«Ишонч»нинг махсус мухбири.

„Аёл ва жамият" танловига

Ўсмирлигимда қайсидир китобда ўқиганим ушбу сўзлар ҳеч ёдимдан чиқмайди: «Чўл баҳордагина тароватлидир». Дарҳақиқат, қулоқ-бурунни чимчиб олгудек изғирин забтидан тушиб, шамол-бўронлар ўнгиру ҳандоқларга элтиб ташлаган қор уюмлари тобора куйдириб чиқмоққа бошлаган офтоб тафтига дош беролмай сув бўлиб эриб кетгач, чўл бамисоли келинлик либосини кийган қиз боладек бирдан яшнаб кетади. Қир-адирларга ёзилган фусункор поёндоз - турфа гул-чечаклар гўё абадийга бош кўтарган каби масрур ва бехадик хиром этади. Маҳбубасига атаб терган лолалари қучоғига сиғмай бораётган йигитнинг оғзи қулоғида - оҳ, қанчалар гўзалсан, баҳор!

ЧЎЛ АЁЛЛАРИ

Очерк

Ҳаёл - сеҳрли эртак. Бироқ уни рўё-ю саробга менгзашга тил бормайди. Олислардан излаб нима қилдик, исботи шундоқ кўз ўнгимизда намоён - Оқ олтин тумани. Жиззах, Самарқандга элтувчи катта йўлнинг белига олтин камар бўлиб боғланган ажиб бир маъво. Чўлқуварлар маскани. Гарчанд йиллар давомида қилинган сидқидил меҳнат туфайли чўл деган таъриф бир мунча ёпишмайроқ қолган бўлсада, йил - тўрт фасл чўл билан сирлашиб юрган кишилар яхши билишади: чўл ҳамон қайсар - туйқисдан ҳунар кўрсатиб, дилларни хира қилиб қўйиши мумкин.

Баъзан ўйлаб қоламан: эркаклар-ку майли, жасоратга яралган улар. Ҳар қанча машаққат бўлса, кўкрак кериб туришади. Аммо, аёллар-чи? Далада, офтоб тиғида эгатлар оралаб чопиқ қилаётган ёки кеч кузда субҳидамдан субҳишомга қадар пахтазордан чиқмай, эл-юрт бойлигига барака киритаётган шулар эмасми? Боз устига бир этак бола ва гоҳо боладан ҳам инжиқ бўлиб қоладиган биз эркаклар, рўзғор ташвиши, ҳеч адоғи йўқ оила юмушлари... Баъзан газ босимининг пасайиб кетиши-ю, гоҳо ичимлик суви тақчиллиги... Элда «аёлларнинг жони қирқта» деган гап юради. Аммо бу тавсиф чўл аёлларига тўғри келмайди. Чунки уларнинг жони... мингта! Агар кўп бўлмаса...

Дилором Абдуллаевани нафақат туманда, вилоятда ҳам кўпчилик танийди. Бир сўзли, куюнчак аёл. Ваъда қилдими, уддасидан чиқмагунча қўймайди. Қўли тўрт, оёғи олти. Шунинг учун уй билан дала ўртаси гўё бир қадам, унисига ҳам, бунисига ҳам улгуради-даладан истасангиз даладан, уйдан изласангиз уйдан топасиз. Ҳақиқий чўл аёли!

Яқинда, ҳеч кутилмаганда ариза кўтариб келиб қолди: «Шу десангиз, бўлим бошқарувчиликни эримга топширсам». Кейин билсам, ташаббус Абдураҳим аканинг ўзидан чиққан экан. «Президентимиз 1999 йилни Аёллар йили» деб эълон қилдилар. Қарасам, қийналиб кетаяпсан. Менга ноқулай бўлаяпти. Ҳар қалай эркак кишиман. Дилором опа бир сўзлаб, ўн кулади: «Шунча йилдан кейин яхши кўришлари эсларига тушиб қолибди». Сўнг жиддий тортиб деди: «Болалар катта бўлиб қолишяпти, уларнинг тарбияси, ўқиши билан астойдил шуғулланмасам бўлмас. Мулоҳазам болаларнинг отасига ҳам маъқул тушди».

Билмадим, бу қарордан Собиржон Сиддиқов номли хўжалик ютдими ёки ютқазди? Буни вақт кўрсатади. Лекин, ишончим комилки, оила ютди, болалар ютди ва ҳеч шак-шубҳасиз жамият ҳам ютди. Аёлларнинг оғирини енгил қилиш, бу ҳам бир бахт.

Туманимиз катта. Салкам эллик минг аҳоли яшайди. Табийки, уларнинг ярми хотин-қизлар. Бир қушга ҳам сув, ҳам дон керак, деганларидек ҳар кимнинг ташвиши ўзига етади. Гоҳо тўқчилик, баъзан эса етишмовчилик сабаб бўлиб эр-хотин ўртасида гап қочиши ҳам бизга ота мерос. Аҳён-аҳёнда уларнинг орасига тушиб, қозичилик қилишга тўғри келади. Шундай пайтларда «Оила - муқаддас, унга тош отишга ҳатто эр-хотиннинг ҳам ҳаққи йўқ» дея ҳайқиргинг келиб кетади. Чиндан-да, оилага қарата отилган тош жамиятга тегмас эканми?! Шу боис туманимизда «Муроса» деб номланган Марказ туздик. Мақсад - ажримнинг олдини олиш, ёшларни турмушга тайёрлаш.

Билмадим, бошқа жойларда қандай - таҳлили қўлимда бўлмагани учун бир нарса дейишим қийин, аммо Оқ олтин туманида бу масалага ўта жиддий ёндошув йўлга қўйилган. Мавжуд 28 та бошланғич хотин-қизлар ташкилотини четлаб, ажрим учун берилган ҳеч бир ариза на ЗАГС ва на суд идораларида кўриб чиқилмайди. Шунча саъй-ҳаракатларга қарамай, барибир ўтган йили дарз кетган уч оилани сақлаб қолишнинг иложи бўлмади. Тўғри, 188 та никоҳ қайд этилганлиги билан қиёс қилинса, бу жуда кичик рақам, албатта. Бироқ масала моҳиятига чуқурроқ ёндошилса, ундай эмаслиги аён бўлади. Ўзингиз бир ўйланг: уч оила, бу энг аввало эс-хушини йиғиб олган олти киши дегани. Уларнинг қай бирининг этагини тутишни билмай, жовдираб қолган болалар-чи? Қолаверса, қайнона-қайноталару, яна икки ёшни қовуштириш учун орага тушиб, совчилик қилган, мана биз турибмиз, дея кафиллик берган кишиларнинг юрак-бағри ўртанмайди дейсизми? Бундай кезларда айбсиз-айбдорлик тамғаси босилиб, юз кўрмас бўлиб кетганларнинг изтиробларини ўлчашга мезон, тортишга тарози бормикан ўзи!

«Оила - давлат муҳофазасида» мавзусида туманимизда ўтказилган Сирдарё вилоят кўчма сессияси ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ички ишлар, суд, прокуратура органлари, маҳалла қўмиталари, вилоятдаги барча хотин-қизлар қўмиталари раислари иштирок этган йиғин назаримда жуда кўпчиликни ширин уйқудан уйғотди. Агар у йиғини суриштирадиган бўлсак, муҳтарам Президентимиз томонидан эълон қилинган «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили» ва «Аёллар йили»нинг уйқаш бўлиб келаётганлиги ҳам бежиз эмас. Ўз-ўзидан савол туғилади: бу тушунчаларни бир-биридан айри ҳолда англаш мумкинми? Жавоби аниқ: йўқ ва яна йўқ. Чунки ҳаёт ҳар қанча мураккаб бўлмасин, одамзод ўз улушини олмай қўймайди; севиш ва севилишни, бахтли яшашни ва оила қуриб, барчанинг ҳаваси келадиган оқил ва доно фарзандларни жамиятга тақдим этишни истайди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзда тутилган мақсад ҳам шу - фуқаролар қалбида ниш урган орзу- умидларга пешвоз чиқишдир.

Кўпинча сўрашади: «Нега кичик-кичик йиғинлардан ҳам қолмайсиз, аҳир ҳоким бўлсангиз». Ҳар куни эрталаб қабулимга кириш учун ўнлаб киши навбатга ёзилади. Уларнинг аксарияти шахсий муаммоларига ечим излаб келган бўлиб чиқади. Лекин бу муаммоларнинг шундайлари ҳам борки, улар гарчанд бир шахс томонидан билдирилса-да, мазмун моҳиятига кўра каттароқ доирада, кенг кўламда ҳал қилишни тақозо этади. Шундай экан, жамоат ташкилотлари ташаббуси билан ўтказилаётган турли мавзудаги мулоқотлар, семинарлар ва кўрик-танловларда ҳокимнинг иштирок этмаслиги мумкинми ахир?

«Аёл ва ҳуқуқ», «Соғлом оила - соғлом жамият негизи», «Соғлом она - соғлом бола», «Турмушга тайёрмисиз?»... Ҳар бири ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Энг муҳими, бундай учрашувлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Чунки ҳаёт... фақат меҳнатдангина иборат эмас, меҳнат - эҳтиёж, тирикчилик манбаи холос. Очиқроқ айтадиган бўлсак, инсон ҳаётга муносиб келиб-кетиш учун меҳнат қилади.

Яқинда биз ўтган йил якунларига кўра туман бўйича энг фаол аёлни аниқлаб олдик. Турли касб эгалари қатнашган кўрик-танловда чўл аёлларига хос жиҳатлар - тантилик ва соддалик, сабр-тоқат ва қатъиятлилик, шижоат ва тадбиркорлик - чўл шароити тоблаган ва унча-мунчага тоб ташламайдиган фазилатлар яна бир бор намоён бўлди кўз ўнгимизда. Ғолиблик эса ўн бир йилдан бери «Шодлик» фуқаролар кенгаши раисаси бўлиб ишлаётган Қундуз Хўжабековага насиб этди.

Албатта, ўйин - кулги, сайру-саёҳат ва... ғолибларга совринлар улашишга не етсин. Бироқ бу дунёнинг ёзилмаган ва олдиндан чамалаб бўлмас сирсиноатлари ҳам кўп. Яхши тўй, ёмон ўлим деганларидек, тўйку маслаҳат билан, бироқ ғамташвиш кўккисдан келади. Шундай пайтларда кўлтиқдан тутувчинг бўлмаса, қийин - руҳий таназзул енгиб қўйиши мумкин. Айниқса, чўлда.

Бундан икки йил муқаддам «Чинобод» хўжалиги хотин-қизлар кенгаши фаоллари улуғ савобга қўл урдилар. «Биз сиз билан» гуруҳи ташкил қилинди. Гуруҳга турли касб эгалари - шифокорлар, ўқитувчилар, уй бекалари, пазандалар... жалб этилди. Дейлик, бирор оилада она оғриб, касалхонага тушиб қолса, то у тузалиб қайтгунга қадар гуруҳ аъзолари қаровсиз қолган болаларнинг ош-овқати, кир-чири, боғча-мактабга бориб-келишини ўз назоратларига оладилар. Ва ҳоказо. Бундай гуруҳлар бошқа хўжаликларда ҳам тузилмоқда. Шиори эса сизга ҳам яхши таниш: «Савоб ишни ҳар ким ва ҳар куни қилиши керак...»

Яқинда туман хотин-қизлар қўмитасининг 1999 йил - Аёллар йилига мўлжалланган режаларини қайта кўриб чиқдик. Баъзи қўшимчалар киритдик. Ўйлаб қарасак, ижтимоий ҳимоянинг энг мақбул йўли, бу хотин-қизларга янги ва қулай иш ўринлари яратиб бериш экан. Бу, бир томондан уларнинг моддий таъминотини мустаҳкамласа, бошқа томондан жамоатчилик таъсирида ўз менликларини чўнгроқ тафаккур этишларини ҳам тезлаштиради. Усмон Носир номли деҳқон-фермер хўжалигининг «Зарафшон» маҳалласида қуроқ ва каштачилик, «Сардоба» деҳқон-фермер хўжалигининг Ғофур Ғулом маҳалласида кўрпа цехи ишлаб турибди. Укибоев номли хўжаликда эса «Соҳиба» тикувчилик цехи очилди. Ҳадемай уларнинг сафига гилам ва кигиз цехлари ҳам қўшилади. Май ойида Меҳнат биржаси билан ҳамкорликда ўтказмоқчи бўлганимиз «Меҳнат бозори» ҳам, ўйлайманки, яна кўплаб аёлларни иш ўринлари билан таъминлашга хизмат қилади.

Ҳаёт шаклсиз. Бамисоли кўпчиган хамирга ўхшайди. Уни хоҳлаган қиёфада кўриш, исталган қиёфага солиш мумкин. Бу ўзимизга - кимлигимизга, қайга ва қандай мақсадлар ила йўлга чиққанимизга боғлиқ. Биз эса демократик фуқаролик жамиятини қурмоқни дилга маҳкам тукканмиз. Зеро, бу жамиятда ҳамма нарса гўзал бўлмоғи даркор.

Тадбиркор аёлларимиз омон бўлишсин. «Маҳаллада дув-дув гап» кинофильмида айтилганидек, нималарни ўйлаб топишмаяпти дейсиз. Бирови зардўзлик цехи очиб, атрофига хотин-қизларни жалб қилса, бошқаси «Келинлик либоси» танловида қатнашиб, соврин олиб қайтаётир. Энди «Гўзаллик салони» очишни орзулаб, елибюгуриб юришибди.

Нима қилибди? Пардоз чўл аёлларига ҳам ярашади. Нега десангиз, чўл аёллари дунёда энг гўзал аёллардир.

Олимжон МИРҲАБИБОВ.

OLAMDA NIMA GAP

В Е Н А. Австрияда ядровий хавфсизлик конвенциясига аъзо мамлакатлар вакилларининг анжумани бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари бир неча кун давомида атом электр станциялари хавфсизлигини ошириш ва бу борадаги ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, кейинги пайтларда атом электр станциялари хавфсизлигини ошириш борасида самарали ишлар амалга оширилди, дейилади анжуман иштирокчиларининг резолюциясида.

Ядровий хавфсизлик конвенцияси 1996 йилнинг октябрида кучга кирган. Ҳозирга қадар унга 65 мамлакат қўшилган.

* * *

П Х Е Н Я Н. *Жаҳон озиқ-овқат дастури раҳбарияти Шимолий Корея аҳолисига шошилинч ёрдам кўрсатиш учун 260 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ зарурлигини маълум қилди.*

Мутахассисларнинг айтишича, мазкур маблағ Шимолий Корея аҳолиси учун озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга сарфланади. Ҳозир мамлакатда 11-16 ёшдаги мактаб ўқувчиларининг бир миллиони ҳамда олтмиш ёшдан ошган беш юз минг нафар фуқаро озиқ-овқатга муҳтож ҳолда кун кечирмоқда.

АҚШ билан Шимолий Корея ўртасида имзоланган келишувга биноан, АҚШ май ойида Пхенянга озиқ-овқат маҳсулотларининг биринчи туркумини етказиб беради. Келишувга кўра, Шимолий Корея бунинг учун ўз ерости объектларини текширувдан ўтказишга рухсат беради.

* * *

Н Ь Ю - Й О Р К. Руминия ҳукумати НАТОнинг Югославияга ҳаво ҳужуми сабаб алянс самолётларини мамлакат осмонида парвоз қилишига рухсат берган эди. Шунинг учун НАТО айни пайтда Руминия хавфсизлигини кафолатлаши зарур, деб баёнот берди Руминия президенти Эмил Константинеску Си-Эн-Эн телекомпанияси мухбирига берган интервьюсида.

Унинг таъкидлашича, Руминия бугун НАТОга аъзо бўлишга тайёр ва алянснинг бу борадаги барча талабларини бажарган.

* * *

Г А А Г А. *Македонияда яшаётган косоволик қочқинларнинг 150 нафари Нидерландияга олиб келинди. Улар Эрмело шаҳарида қочқинлар учун махсус тайёрланган уйларга жойлаштирилди. Яқин кунлар ичида Македониядан қочқинларнинг яна бир неча гуруҳи Нидерландияга жўнатилади.*

Нидерландия ҳукумати икки минг нафар қочқинни қабул қилишга қарор қилган эди. Улар Косовода вазият барқарорлашгунга қадар шу ерда истиқомат қилади.

(ЎзА)



Копенгаген

МАРКАЗНИНГ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ

Бундан саккиз йил аввал Ўзбекистонда тил маркази ташкил қилинган эди. Марказ ёшларга зарур ҳажмда чет тилини жадал ўқитиш, уларда электрон ҳисоблаш техникасида ишлаш кўникмасини ошириш масалалари билан яқиндан шуғулланмоқда.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда жаҳон тиллари университети қўмагидаги марказ 20 минг нафарга яқин тингловчини ўқитишга муваффақ бўлди. Ҳозир бу ерда 70 дан ортиқ малакали ўқитувчи машғулотлар олиб бормоқда.

Марказий Осиёга беғараз ёрдам халқаро корпорацияси билан ҳамкорлик ҳам яхши самара бермоқда. Ушбу корпорация саъй - ҳаракати билан хориждан бир неча тажрибали чет тили ўқитувчиси Тошкентга олиб келинди. Марказда очилган компьютер хонаси ҳам унинг ёрдамида ишга тушди. «Мустақиллик» деб номланган бой адабиётларга эга кутубхона ҳам тортиқ қилинди.

Бундан ташқари, Англиянинг «Леедс» университети, Ақшнинг «Интеррарситу» университетлар уюшмаси билан ҳамкорлик марказда ўқув жараёнларини яхши йўлга қўйишга ёрдам бермоқда.

Британия кенгаши эса яқинда марказга бир неча дарслик ва ўқув қўлланмалари тортиқ қилди.

Сабаб ва сабоқ

ИШ ҲАҚИ

У нега баъзи жойларда ўз вақтида берилмаяпти?

Ўзбекистонда янги синф - мулкдорлар синфи шаклланиб, ёлланма меҳнат аҳлининг янги қатлами юзага келяпти. Уларнинг ижтимоий - иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш эҳтиёжи ўз навбатида тадбиркорлар касаба уюшмасининг юзага келишига сабаб бўлди.

Хусусий сектор меҳнаткашларини ҳимоялаш учун 6847 корхона мазкур касаба уюшма хизмати билан қамраб олинган. Бу бошланғич ташкилотлар 74 мингга яқин касаба аъзоларини бирлаштириб турибди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳар тадбиркорлик тизимидаги кўпгина корхона, муассаса ва ташкилотлар жамоа шартномасига амал қилмоқда. Шунинг натижасида меҳнатни муҳофазалаш ва техника хавфсизлигини таъминлаш, ёлланма меҳнатчиларни дам олдириш ва соғломлаштиришни ташкил этиш, кам таъминланган оилаларни қўллаб -қувватлаш масалалари бирмунча самарали ҳал қилинаётир.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар касаба аъзоларининг меҳнат ва маиший шароитлари яхшиланиши қандай кафолатланаётганлигини пойтахт « Каноп» жамоа корхонаси мисолида яққол кўриш мумкин. Касаба уюшма қўмитаси иш берувчи билан имзолаган жамоа шартномаси ишловчиларига қўшимча таътиллар берилишини, кўп болали ва камхарж оилаларга ,корхонада ишлаб кетган пенсионерларга моддий ёрдам кўрсатиш, имтиёзли соғломлаштириш ва дам олдиришни , бу мақсадлар учун корхона фойдасидан маблағ ажратилишини назарда тутади.

Фарғона вилояти касаба уюшмаси кенгаши бошланғич касаба уюшма бўғинини ташкил этиш, унинг фаолият самарадорлигини ошириш орқали хусусий ва қўшма корхоналарни ўз таъсири билан қамраб олишга интилаётир. Бугун вилоятда 3756 та бошланғич ташкилот иш олиб бораётгани мана шу саъй - ҳаракатнинг натижаси деса бўлади.

- Тўғри, касаба уюшмамиз давр эҳтиёжи билан юзага келди, - дейди Ўзбекистон кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг раиси Чори Шодиев.

Афсуски, бундан тўққиз йил олдин оғир бир шароитда ташкил этилган ташкилот ҳанузгача ўз олдига қўяётган вазифаларини юқори даражага кўтаролганича йўқ.

Жойларда касаба уюшмамиз яхлит, бир бутун таркиби ҳали ҳам барпо этилмаганлигини қандай баҳолаш керак?! Айрим йирик шаҳарлар ва туманларда касаба уюшма қўмиталари ёки бирлашган касаба уюшма қўмиталари тузилмаган. Навоий вилоятидаги ҳар икки тумандан бирида касаба уюшмамизнинг тизими ташкил этилмаган.

Дарҳақиқат, республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида минглаб кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик корхоналари, уларда ишлаётган ўн минглаб ёлланма ишчи - хизматчиларнинг ҳуқуқий, ижтимоий - иқтисодий манфаатлари ҳимояланишини таъминлаш муаммоси ким томонидан қандай ҳал қилинади? Бу ҳақда Марказий Кенгаш ҳам, вилоят кенгашлари ҳам чуқур ўйлаб кўришлари, муаммони ҳал этишга доир амалий тадбирларни ишлаб чиқишлари зарур. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 январдаги 47 - сонли ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлмасдан туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш ва пенсия фондига бадаллар ажратиш тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорига эътиборингизни қаратмоқчиман. Эндиликда якка тадбиркорлик билан шуғулланувчиларни рўйхатга олишнинг яхлит бир тизими вужудга келди. Ўз навбатида тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олиш, улар касаба уюшмасига аъзо бўлиб киришларига эришиш, якка тадбиркорларнинг ноустав бошланғич касаба уюшма ташкилотларини тузиш масаласини ҳал қилиш вақти келди. Марказий Кенгаш бу муаммонинг мақсадга мувофиқ ечимини топиши, тегишли Низомни ишлаб чиқиши керак.

Яна бир муаммо-жамоа шартномалари бажарилишининг аниқ механизми ишлаб чиқилиб, жорий этилмаётир. Битимлар ва жамоа шартномалари қандай бажарилаётгани ўрганилмайди. Бу соҳада аҳвол кенгаш ва қўмиталарнинг мажлисларида, раёсат мажлисларида камдан - кам муҳокама қилинади. Натижада ходимларнинг ҳуқуқий, ижтимоий - иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш даражаси бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Техника хавфсизлиги муҳим масала эканлиги доимо таъкидланади. Лекин, 1998 йилнинг иккинчи ярмида меҳнатнинг техник нозирлари штатлари қисқартирилганидан кейин корхоналарда бахтсиз ҳодисалар кўпайганлигини айтиш жоиз. Агар 1997 йили тадбиркорлик корхоналарида 3 та бахтсиз ҳодиса юз берган бўлса, 1998 йили бундай воқеалар 5 тага етди. Ёки мана бу мисолга эътибор беринг: 1998 йили тадбиркорлик корхона ва ташкилотларида ўлим билан тугаган 4 та бахтсиз ҳодисанинг учтаси айни штатлар қисқартирилиб, назорат бўшаштириб юборилган даврга тўғри келади. Мана шу фактнинг ўзи масаланинг моҳиятини янада чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўришни тақозо этади. Бизнингча иш ҳақининг вақтида тўланмаётганлиги меҳнаткашлар турмуш даражаси пасайишига асосий сабаб бўлиб қолмоқда. Бу ҳар бир оила бюджетига қанчалик оғир юкдир. Чунончи, Тошкент вилоят касаба уюшма кенгашининг таҳлилларига қараганда, ҳисобда турган 98 та корхонада ойлик маоши вақтида тўланмаган.

Жумладан, корхоналардан 7 тасида ўтган йилнинг январ ойидан, 1 тасида феврал ойидан, 28 тасида март ойидан буён ходимларга иш ҳақи берилмаган. Паркент туманидаги «Нигора» хусусий корхонасида, Юқори Чирчиқ туманидаги «АВС» ва «Илхамбар» хусусий корхоналарида ҳисоб рақамида маблағ йўқлиги учун ходимларга узоқ вақт маош берилмаган. Корхоналарнинг кўпчилиги дебитор қарздорлиги сабабли маош тўланмасдан қолмоқда.

Оҳангарон цемент комбинати, шаҳардаги «Умида», «Ишчи», «Надежда» кичик хусусий корхоналар умумий ҳисобда ўн уч миллон 800 минг сўм қарз, бунинг натижасида хусусий корхоналарда ходимлар билан маошлар бўйича ҳисоб-китоб ишлари бир неча ойлаб кечикяпти.

Тўлов қобилиятини йўқотишнинг бошқа сабаблари ҳам бор. Навоий шаҳридаги «Тизол-Н» хусусий ишлаб чиқариш корхонасида 1998 йилнинг 15 декабригача базальт рудасини қайта ишлаш йўли билан олинган 5 миллон сўмлик иссиқлик ускуналари учун ўров материали йиғилиб қолган. Бунинг оқибатида уч ойдан буён ходимлар маош олмаяптилар.

Касаба органлари иш ҳақи вақтида тўланмаган ҳар бир ҳолатда оқилона йўл тутишлари, аҳволга холисона баҳо беришлари ва тегишли хулоса чиқаришлари керак. Бунинг учун иш ҳақини тўламаслик сабаблари чуқур таҳлил қилиниши, касаба уюшмаси хўжалик судлари орқали тегишли чоралар кўрилишига эришиши лозим.

Ҳар қандай ишнинг муваффақиятини кадрлар ҳал қилади. Мамлакатимизда миллий кадрлар тайёрлаш дастурининг ишлаб чиқилиши, унинг изчил бажарилаётганлиги раҳбариятнинг билимдон, фидойи, куйиб-ёниб ишлайдиган ходимларнинг янги авлодини тарбиялашга қанчалик катта аҳамият берилаётганлигининг далилидир. Лекин касаба уюшма кўпчилик ходимлари ҳали-ҳануз тадбиркорлик корхоналари касаба ташкилотларининг, ҳозирги мақсад ва вазифаларини чуқур илғаб олмаганлар, эски андозалар бўйича иш юритадилар.

Шу маънода ташкилотда кадрлар сафига катта эътибор қаратиляпти.

Кейинги икки йил ичида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Сирдарё ва Хоразм вилоятларининг касаба уюшмаси кенгашларининг аввалги раислари меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнатни муҳофазалаш ва техника хавфсизлиги масалалари билан чуқур шуғулланмадилар, тадбиркорлик корхоналари ходимларини касаба уюшмаси аъзолигига жалб қилиш ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйдилар. Натижада бу кенгашлар ҳисобидаги корхоналар ва касаба аъзолари сони кескин камайиб кетди.

Хулоса шуки, ҳозирги долзарб пайтда касаба уюшмалари муаммолар, етишмовчиликларни ўз вақтида бартараф этиб, меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш, меҳнат қонунчилигига етарли даражада аҳамият бермаса катта хатога йўл қўйилган бўлади.

Ортиқ САИДОВ.

Республикамиз оромгоҳларида



Инсон учун энг кераклиси саломатлик, тинчлик-хотиржамлик. Тўрт мучалим соғ бўлсин, деган киши ўз қадрини билади, шифо масканлари имкониятларидан унумли фойдаланади. Шу маънода кўпчиликка манзур бўлаётган «Қашқадарё соҳили» санаторийси ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. У Карши шаҳрининг энг сўлим гўшаси бўлмиш Қашқадарё дарёси бўйида жойлашган. Иқлим шароити мўътадил, салкин, гулу-кўкатларнинг муаттар бўйи бахри дилингизни очади. Дам олувчилар учун барча шароит муҳайё. Шу боис Ўзбекистонимизнинг бошқа вилоятларидан ҳам бу ерга келувчилар кўпайиб бормоқда.

«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» ЧОРЛАЙДИ

Ўттиз гектарни эгаллаган сўлим сиҳатгоҳда асаб, бўғин, ошқозон-ичак, юрак-қон томир касалликларини даволаш йўлга қўйилган. Замонавий тиббиёт асбоб ускуналари, юқори малакали шифокорлар бу ернинг катта бойлиги.

— Илгари вилоят 2-шифохонаси сифатида фаолият кўрсатаётган маскан 1994 йилнинг февралидан республика касаба уюшмалари федерацияси тасарруфига ўтказилди, санаторий мақомини олди, - дейди бош шифокор Акрам Акбаров — Сиҳатгоҳда бир йўла 90 киши дам олиши мумкин. Юз нафар тиббиёт ходимлари ўз вазифаларига сидқидилдан ёндошишмоқда. Олий тоифали шифокор Афанасий Ким, Хазратқул Мавқиев, Норбиби Анварова, Мавлуда Ваҳиева, Назира Қосимова, Юлдуз Йўлдошева, Гулнора Тоирова, Нурхон Абдуллаева каби саломатлик посбонлари дам олувчилар соғлиқларини мустаҳкамлаш йўлида тиним билишмаяпти.

Яқинда бу ерда қувончли воқеа содир бўлди. Яъни Аёллар йили Дастурига кўра барча қулайликларга эга бўлган кўркам маданий маърифий марказ ишга туширилди. Замонавий ошхона, кутубхона, фитобар, томошалар зали ва бошқа имкониятларни кўриб дам олувчиларнинг бошлари осмонга етди. Улардан айримларининг дил сўзларини тингласак:

Муяссар Абдуллаева - 40 йилдан ортиқ ўқитувчилик қилдим, энди қарилик гаштини сураяпман. Мазкур шифо маскани ниҳоятда мафтункор. Сўлим ҳавоси, муолажаларни ўта маъсулият билан ўтказаётган бир биридан яхши шифокорлар ҳамма ерда ҳам топилавермайди. Ошхона, кутубхонага жуда ҳавасим келди. Қатор ажойиб китоблар мутолаа қилдим. Муҳими, соғлиғим мустаҳкамланди, кайфиятим ҳам аъло. Энди ҳар йили имкон бўлди дегунча шу ерга дам олгани келаман.

Суюн Алимов - касбим чорвадор. Очиғи, ажойиб санаторийнинг довруғини эшитиб, бир кўрайчи деб келдим. Муолажаларга гап йўқ. Фитобарга қатнаб, шифобахш гиёҳлардан тайёрланган шарбатлардан мириқиб ичдим. Касал нималигини унутдим. Шахмат ишқибозларига алоҳида шароит яратиб, хайрли иш қилишибди. Қўли гул ошпазлар тайёрлаётган миллий таомлар барчага манзур. Қишлоғимга боргач, барчани шу ерда дам олишга даъват қиламан.

Пардаҳол Одинаева - Қаршидаги болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлайман. Анча вақтдан буён бунчалик яхши дам олмагандим. Маданий маиший тадбирлар руҳимизни кўтарди. Санъаткорлар билан учрашувлар узоқ вақт ёдимизда қолади.

Дам олувчилар сони йил сайин кўпаяётганлиги учун санаторий кенгайтирилмоқда. Айни кунларда даволаш корпуси қурилиши қизғин давом этмоқда. Кўркам бино йил охирида фойдаланишга топширилади. Ҳалқимизда... бир марта кўрган афзал, деган нақл бор. Файзли маскан «Қашқадарё соҳили»га марҳамат қилинг. У сизга албатта манзур бўлади.

Шавкат СУЛТОН
«Ишонч» мухбири
Суратларда: Санаторий ҳаётидан лавҳалар.
Генадий ХАРИТОНОВ олган суратлар.





Жангчи шоирлар ижодидан

ХАЛҚҚА АРАЛАШСАНГ

Сен халққа аралашсанг, яқин бўлади ул ҳам,
Боққа бормасанг агар ўзи келмайди гул ҳам.

Ота бўлиб фарзандга тарбияни бермасанг,
Пайт келиб, хафа бўлар сендан қизу ўғил ҳам.

Ҳар иш ўзингга боғлиқ, яхшиликлар кўрсатсанг,
Осойиш бўлар шунда ҳамма томон, ўнг-сўл ҳам.

Тўра, кимки шод-ҳуррам, армонсиз яшай деса,
Тўғри бўлсин доимо иймон, кўнгил ва йўл ҳам.

СЕНСАН

Кимга ёрдам кўрсатсанг, унинг амири сенсан,
Кимдан нарса сўрасанг, унинг асири сенсан.

Шукур қилиб борига, сирни ошкор этмасанг,
Кимга муҳтож бўлмасанг, унинг тенгқури сенсан.

Наҳот танқидга учраб, ҳимоя истабди ким,
Сақлаб қолсанг жазодан, унинг ғурури сенсан.

Эй севгилим, ўзингсан ҳеч армонсиз яшатган,
Тўранинг кайф-сафоси, гашти, сурури сенсан.

НАСИБ

Тинмасдан илм олсанг, фан тоғи сенга насиб,
Ҳовли истасанг, дарё қирғоғи сенга насиб.

Нодоннинг мингдан бири дононинг бири яхши,
Олим бўлсанг, ҳурматнинг кўпроғи сенга насиб.

Ҳурматинг кўп бўлдими, билгилки, бу меҳнатдан,
Гўштнинг қуйруғи, сутнинг қаймоғи сенга насиб.

Илмни хоҳламасанг, касб-корга қизиқмасанг,
Баланд қурилган дорнинг сиртмоғи сенга насиб.

ТИЛАК

Ажабо,
Ҳар гулнинг ҳиди бошқача,
Бироқ барчаси ҳам қалбга олар йўл.
Ҳар кимнинг севгиси, диди бошқача,
Бироқ хуш ёқади барчасига гул.

Она сайёрамиз мўъжизага бой,
Ҳид бордир палаклар, чакалакларда.
Ёр васли - юракда умидбахш чирой,
Шу чирой нақши бор чақалоқларда.

Аммо биз қаршимиз бир ҳидга фақат,
Унинг ижодкори табиат эмас.
У ҳид кезган жойда қушлар бетоқат,
Заҳарли илон ҳам у ҳидни сезмас.

У ҳид кезган жойда очлик, қирғин ҳам,
Тансиқ бўлиб қолар иссиқ нон ҳиди.
У ҳид таралмасин ҳатто бир кун ҳам,
У ҳид - бомба дуди, у ҳид - қон ҳиди.

Тўра ЖУМАН.
2-гуруҳ уруш ногирони.

Бу - қизиқ

Қизиқ, кийимлар жониворларга ҳам қўл келар экан! Ўрта ер денгизи мамлакатларида офтобдан сақланиш учун отларга соябони кенг шляпа кийдириб қўйишади.

Англия яйловларида эса нимча кийган қўйларни кўриб, кўзингизга ишонмаслигингиз мумкин. Гап шундаки, ишни кўзини билган чўпонлар қўйларнинг жаҳонга машҳур жуни сифатини асраш, уларни чанг тўзондан муҳофаза қилиш учун қўйларни кийинтиришар экан.

ПИЁЗ ВА РИВОЯТ

Антик даврда римликларнинг кундалик овқатида пиёз бўлиши шарт эди. Римликлар у куч-қувват бахш этишидан ташқари, жангчини жасур ҳам қилади, деб ҳисоблашган.

Пиёздан тумор ўрнида ҳам фойдаланишган. Ривоятлардан бирида пиёз урушда жангчини ҳалокатдан сақлайди, деб нақл этилади. Ўша замонлардан бери пиёзнинг бир навига «Ғолиблар пиёзи» деган ном берилган. Ҳозир у ёввойи саримсоқ пиёз деб юритилади. Ўша замон жодугарлари славян жангчиларига оқ йўл тилаб қолиш маросимида: «Агар душманга даҳшатли кўринишни истасанг, заҳарли илонни ўлдириб, чап этик қўнжига сол, жангга кираётганда худди шу этик ичига уч бош пиёз сол» деб тавсия беришган.

ТОШ ХАТЛАР МУЗЕЙИ

Қадимги Грецияда энг нодир фикрларни қоя тошларга ўйиб ёзишган. Ёзувни билишмаган пайтда эса тошлар бетига турли-туман шакллар чизишган. Баъзи жиҳатлари билан Римдаги тош хатлар музейига ўхшаб кетадиган Лангар тоғларига сайёҳат қилсангиз, ўтган аждодларнинг абадийлик муҳри босилган тош хатларни «ўқиб» ҳаяжонга тушасиз.

Бу ердаги шартли равишда музей деб аталадиган ҳудуд айланмасига 20-25 километрни ташкил қилади. Сайёҳат асосан Тешиктошдан бошланади. Қоя бағрини қоқ ёриб тут ва токнинг ўсиб ётиши яна бир таажжубли манзара. Тоғнинг шундоқ қолган Тоҳир ва Зуҳра сурати, Зуҳранинг кўз ёшлари деб нақл қилинадиган Томчи ота, Тешиктошдан пастроқда эса уч оила сиғса бўладиган тош уй айвонлари бор. Шундай қилиб, тошлар бетида ўтмишнинг турмуш тарзи яққол кўзга ташланади.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

Газетхон илтимосига кўра

Журналист М.Князьков ҳикоя қилади: Виржиния штатида ишлаб юрганимда америкалик ҳамкасбларим «Ҳоҳлаган енгил автомобилингизни миниб кетишингиз мумкин, ишонч қоғози керак эмас, фақат автомобиль бошқариш гувоҳномаси АҚШники бўлиши керак» деб қолишди.

ҲАЙДОВЧИ ГУВОҲНОМАСИ ҚАНДАЙ ОЛИНАДИ?

Мен сўраб-суриштириб Вашингтон шаҳри ташқарисида жойлашган махсус ДАН ҳизмат биносини топдим. Қарасам, навбат қатта. Ўзимча, бугун менга навбат келмаса керак, деб ўйладим, қарангки, 15 дақиқадан кейин дарча олдида турибман. «Тўлдиринг, деди ёш негр қизи анкета узатиб. Фамилиянгиз, исмингиз, яшаш жойингиз ҳамда аввал Виржиния штатидан гувоҳнома олган-олмаганингизни ёзинг. (АҚШда барча штатлар ўз гувоҳномасини беради). Анкетани тўлғаздим.Қиз: «Боринг, йўл ҳаракати қоидаларидан имтиҳон топширинг», деди ва борар манзилгоҳимни аниқ тушунтирди. Ўн дақиқадан кейин тегишли хонага кирдим. Ёшгина аёл вазифалар ёзилган қоғозни тарқатди. Унда 20 та савол бор эди. Саволларга билганимча жавоб бердим. Аёл ўз трафаретини менинг жавобим устига қўйди ва 18 та саволга тўғри жавоб берганимни кўргач: «Топширдингиз» деди. Шундан кейин тиббий кўрикка бордим. У ерда фақат кўз текширилар экан. Кўзингиз ожизроқ бўлса, шу ердаёқ сизга керакли кўзойнак билан ёрдам беришлари мумкин экан. Автомобиль бошқариш синови сал кўпроқ вақтни олди. Инспектор - назоратчи олдимга келиб, дўстларча самимият билан: «Кўп ҳаяжонланманг, фақат айтганимни шошмасдан бажарсангиз, бас» деди. Мен рулда, назоратчи ёнимда бир неча кварталли айланиб, бошқармага келдик.

— Табриклайман, сиз топширдингиз,- деди назоратчи автомобилдан тушаётиб. Яна 30 дақиқадан кейин автомобиль ҳайдаш гувоҳномасини оласиз».

Мен ҳайрон бўлиб, «Тиббий кўрик кўзни тексириши билан тамомми, бошқаларчи?» - дедим. Назоратчи ҳайрон бўлиб сўради: «Сиз яна нима истайсиз?» Мен ўзимни таништиришга мажбур бўлдим ва Россияда тиббий кўрикдан ўтишнинг ўзи камида бир ҳафта вақт олишини, ҳайдовчиликка ўқиётган фуқаро албатта аввал комьютердан ўтиши, гиёҳвандлик, руҳий-асаб хасталиклари диспансеридан маълумотнома тўплаши лозимлигини тушунтирдим. (Республикамизда ҳам худди шундай тиббий кўрикдан ўтишади) Ниҳоят, мени стулга ўтказишди-да, «Палороид»нинг ёрқин нурида суратга олишди. Шундан кейин пластинкада микропортретим пайдо бўлди. Мана, қўлимда расмим тасвирланган махсус хужжат. Унда фамилиям, отим, адресим ва суратим бор холос. Жами 2,5 соат вақт кетибди. Чопчоп, турли ҳужжатлар йиғиш йўқ. Биров мендан автомобиль курсларида ўқиганмисан, паспортинг, ҳарбий билетинг борми, қачон ва қаерда туғилгансан, қайси давлат фуқаросисан, миллатинг нима, деб сўрамади ҳам.

Маълумки, республикамизда автомобиль ҳайдаш гувоҳномасидан ташқари, огоҳлантириш талони ҳам берилади. Имтиҳондан ўтиб, ДАН идорасидан ўз ҳайдовчилик гувоҳномангиз учун сиз албатта паспортингизни олиб боришингиз шарт, акс ҳолда ҳайдовчилик гувоҳномасини беришмайди. АҚШнинг барча штатларида эса йўл полицияси автомобилингизни тўхтатса, сиз ҳеч қачон ҳар қандай вазиятда ҳам ўз автомобилингиздан тушмайсиз, ҳақингиз бор, полициячи ўзи олдингизга келади, сиз фақат ўз томонингиздаги эшик ойнасини пастга туширсангиз етарли. Жаримани полициячи, олмайди. Сиз уни почта орқали керакли ҳисоб рақамига жўнатишингиз лозим. АҚШда қонун барчага баробар. Зеро, инсон ҳуқуқи кафолатланган мамлакатда фуқаролар иқтисодий тараққиёт йўлида астойдил ҳалол меҳнат қиладилар. Бундай ижобий ҳолат биз учун ҳам одатий кўникмага айланишига ишончим комил.

Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ тайёрлади.

БАРЧА ТУРДАГИ ШАХСИЙ АВТОМОБИЛ ТРАНСПОРТИ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЭГАЛАРИ

диққатига!

«Тошнефтмаҳсулот» корхонасининг Собир Раҳимов, Чилонзор ва Миробод туманларида жойлашган 18-,106-,121-,130- автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида ДИЗЕЛ ёнилғиси чекланмаган миқдорда сотилмоқда.

Агарда сиз дизел ёнилғисига эҳтиёж сезсангиз

марҳамат!

Ёнилғини нақд пулга истаган пайт харид қилишингиз мумкин.

«Тошнефтмаҳсулот» корхонаси

ТАШКИЛОТ

Қуйидаги тиббий ускуналарни ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси ва эҳтиёт қисмларни

СОТАДИ:

. 70х70 ҳажмли флюорография плёнкаси ва 30х40 ҳажмли рентген плёнкаси. ***Германия маҳсулоти.***

. 15 литрли фиксаж проявителлари. ***Россия маҳсулоти.***

. 105х55 ҳажмли полипропилен қоплари. ***Туркия маҳсулоти.***

. Металл қуймалар, зангламайдиган тунукалар, қувурлар, озиқ-овқат учун ишлатиладиган тунукалар ***(консерва банка қопқоқлари учун),*** *«Т-170» русумли тракторлар, автогрейдерлар.*

«П-702» русумли лемех лепка, норальник — культивация учун. ***(Россия маҳсулоти)***

«Алоқа- 500» русумли ультратовушли диагностика аппаратлари (УЗД).

СОТИБ ОЛАДИ:

. «Прима» момиғи (вата) ва кунжут.

. Ўзаро ҳамкорликка асосланган барча таклифларни кўриб чиқади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ғани Мавлонов кўчаси, 52/2 - уй. Тел: 342758, 344769, пейджер (067) 4184

«ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС»

давлат уюшмаси шаҳар транспортида ишлаш учун кондукторларни ишга

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Ўртача ойлик иш ҳақи 8-10 минг сўмни ташкил этади.

Меҳнат стажига қараб 25дан 50 фоизгача устама ҳақ тўланади. Трамвай ва троллейбус кондукторлари 5 йил илгари нафақага чиқиш ҳамда 25 фоизли даромад солиғи тўлаш имтиёзига эга бўладилар.

Кондуктор бўлиб ишлаш истагини билдирганлар:

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасига (Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй, тел: 133-03-23, 34-84-19) ва Тошкент шаҳридаги автобус ва электр транспорти корхоналари ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси.

Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85--66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01. Наманганда - 6-22-10. Самарқандда - 35-64-24. Фарғонада - 24-58-43. Урганчда - 6-03-40. Қаршида- 5-19-11. Қумқўрғонда - 54-3-58.

Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 22.00

Буюртма Г— 0289. Нусхаси — 18.090.

1 2 3 4 5 6